

« Тасдиқлайман »

Тошкент Педиатрия Тиббиёт
Институти ректори



Б.Т.Даминов

31 октябр 2022й

ТЕХНИК ТОПШИРИК

1	Тошкент Педиатрия Тиббиёт институтида Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2021 йил 3-февралдаги ПФ-6155-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент Педиатрия Тиббиёт институтида таълим олаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож, чин етим, етим, ногиронлиги бор ва кам таъминланган oilалар фарзандлари булган талабаларни укув йили давомида кунлик бир махал иссик овкат билан таъминлаш учун.
2	Институтда Аутсорсинг усулида бир махал соглом овкатлантириш Низомда белгиланган тартиблар ва коидаларга катъий риоя килган холда амалга оширилиши лозим.
3	Аутсорсер институт ҳудудида соглом овкатлантириш хизматларини курсатишда, таомнома тайёрлашда, озик-овкат махсулотларини ишлатишда ва таомлар тайёрлашда махсус ишлаб чикилган хавфсиз ва сифатли овкатланишини ташкил этилишига куйиладиган санитария-гигиена талабларига катъий риоя этиши лозим.
4	Аутсорсер аутсорсинг усулида соглом овкатлантириш буйича хизмат курсатишни сифатли ташкил этишда куйида курсатилган конунчиликдаги белгиланган тартиб ва коидаларга амал килиши лозим: Ўзбекистан Республикаси Согликни саклаш вазирлигининг санитария коидалари, нормалари ва гигиена нормативларида белгиланган тартиб ва коидаларига; Ўзбекистан Республикасининг 26 август 2015 йилдаги УРК-393-сонли «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тугрисида»ги Конунига; Ўзбекистан Республикасининг 30 август 1997 йилдаги УРК-483-1-сонли «Озик-овкат махсулотининг сифати ва хавфсизлиги тугрисида»ги Конунига; Ўзбекистан Республикасининг 24 апрел 1996 йилдаги УРК-221-1-сонли «Истеъмолчиларнинг ҳукукларини ҳимоя килиш тугрисида»ги Конунига.
5	Иштирокчилар соглом овкатлантиришни ташкил этиш буйича таклиф килинаётган хизмат учун ишлаб чикилган 60 кунлик намунавий Таомнома режасини Буюрмачига такдим этишлари лозим.

6	Аутсорсинг хизматларига ҳақ тулаш миқдори - Иштирокчи (аутсорсер) барча харажатларини (солиқлар, ходимларнинг иш ҳақи, транспорт хизматлари ҳамда асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва улардан фойдаланиш ва бошқаларни) уз ичига оладиган 30 фойзгача устама ҳақини белгилаш ҳуқуқига эга.
7	Аутсорсер харид қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, фойдаланиладиган технологик жихозларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигига. ошхона ходимлари томонидан таом тайёрлаш технологияси қоидаларига риоя қилинишига, ошпазларнинг ҳар уч йилда бир марта малака оширишига. тиббий куриқдан утган ҳолда ишга қуйилишига шахсан масъул ҳисобланади.
8	Аутсорсерга институтнинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари ва мебеладан фойдаланганлик учун ижара тулови ставка бўйича белгиланади, ҳамда овқатлантиришни ташкил этиш учун истеъмол қилинадиган коммунал хизматлар қиймати ҳам аутсорсер томонидан қопланади. Ижара асосида топширилган ошхона ва ошхона жихозларини таъмирлаш. ходимлар иш ҳақи, ошхона жихозлари, ошпазлар униформаси, ошхонада ишлатиладиган зарарсизлантирувчи ва ювиш воситалари билан таъминлаш ишлари аутсорсер томонидан амалга оширилади.
9	Аутсорсер тугри овқатланишни ташкил этиш юзасидан таомлар тайёрлаш технологияси бўйича камида 1 йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислари (муҳандис-технолог, диетолог, гастроэнтеролог, алерголог, терапевт врач, ошпазлар) мавжуд бўлиши лозим.
10	Хизматлар курсатиш муддати - " 60 " кун.
И	Институтда таомнома режасини тузиш учун институт аутсорсерга бир кун олдин соат 16:00 гача бир кун олдинги талабалар сонига нисбатан буюртма такдим қилади. Шунингдек, ётоқхонада шанба, якшанба ва байрам кунларида қолган талабаларнинг сони ҳам бир кун олдин такдим қилинади.
12	Иштирокчилар уз таклифларини такдим этишдан аввал институт ошхонаси келиб қуриб, танишиб кетишлари мумкин.
13	Аутсорсер томонидан тайёрлаб берилаётган таомлар сифати, вазни, таркибининг таомномага мувофиқлиги институт раҳбари ҳамда бошқа ходимлардан иборат комиссия томонидан назорат қилинади, ва назорат якунлари институтнинг тайёр таомлар сифатини назорат қилиш бўйича юритиладиган махсус дафтарда ҳар кун кайд қилиб борилади.

Ишлар Бошқармаси бошлиғи

А.А.Носиров